

ФИЗИКА ФАНИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ

Юлдошев Фурқат Эшмуратович

Жиззах шаҳар 5-сонли мактаб физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон

e-mail: yoldoshevfurqat@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада физика фанининг халқ хўжалиги тармогида кенг миқёсда қўлланилиши ёритилган. Мисол тариқасида металлургияда, қурилиш соҳасида, асаларичилик соҳасида физикавий қонунлар ва асбоб ускуналарнинг кенг қўлланилишини ўқувчиларга тушунтириши орқали уларда касбга бўлган қизиқишини ортириши мақсадида мақола тайёрланди.

Калит сўзлар. Ламинар оқим, турбулент оқим, шлюз, электролиз, шиша тола, базальт арматура, асаларичилик.

Место предмета физики в народном хозяйстве

Аннотация. В данной статье освещена широко применение предмет физики в народном хозяйстве. В качестве примера в металлургии, в отрасли строительство, в отрасли пчеловодство физические законы и приборы широко применяется. Статья приготовлено в цели увеличение интересов учеников на профессию.

Ключовые слова. Ламинарное течение, турбулентное течение, шлюз, электролиз, волоконная стекло, базальтная арматура, пчеловодство.

The role of Physical science in the national economy

Abstract. This article describes the widescale use of physical science in the history of national economy. As an example, an article was prepared for the purpose of increasing their interest in the profession by explaining the wide use of physical laws and tools in the field of metallurgy, construction and beekeeping.

Keywords. Laminar flow, turbulent flow, gateway, electrolysis, fiberglass, basalt fittings, beekeeping.

Бугунги кунда физика фанини таълим соҳасида ўқитилиши педагогик илмий изланишлар асосида юксалтирилмоқда.

Физика фанининг халқ хўжалиги соҳасидаги ўрни бекиёсдир. Металлургия соҳасида, қурилишда, паррандачилик, асаларичилик соҳасида физик қонунлар ва физик асбоб-ускуналар кенг қўлланилади. Айрим қонунларнинг қўлланилишини кўриб чиқамиз:

Буюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний ўзининг “Минералогия” асарида минераллар, қимматбаҳо рудалар ва металлларни қандай қазиб олиш, улардан тайёр махсулотлар олиш сирларини ёзиб қолдирган.

1.Металлургия соҳасида қимматбаҳо руда зарраларини шлюзлар ёрдамида ажратиб олишда физика фанининг қуйидаги боғланишлари мавжуд:

-қимматбаҳо руда зарралари ўз зичлигига кўра турли тезликда чўкиб, ҳаракатга келади;

-қимматбаҳо руда зарралари ўз зичлиги ва ўлчамларига кўра тарқокланади ва сараланади;


-турли ўлчам зичлигидаги заррачалар шлюз тубида турлича ишқаланиш коэффициентидан ҳаракат қилади;

-сув оқими ва босими зарраларни турли тезликда силжитади.

Шлюзда қимматбаҳо руда зарраларини бойитишга таъсир этувчи асосий фактор-омил турли қатлам оқими турли тезликларда бўлишидир. Сувнинг ламинар оқимидан фарқли турбулент оқимида зарралар ўзаро аралашиб, тез сараланиб, ҳаракати тезлашади. Айти шу турбулент оқимда қимматбаҳо руда зарралари бойитмаси ҳосил бўлади. Қимматбаҳо руда зарраларини чўктиришнинг электролиз усули руда зарраларини эримас анод билан чўктиришдир. Анодлар графитдан тайёрланади, катодлар эса титан ёки занглас пўлатдан тайёрланади.Товар регенерат электролит вазифасини бажаради. Электролиз жараёнини 25-30 А\м² ток зичлигида олиб борилади. Ваннадаги кучланиш 1 вольтга яқин.

2.Архитектура соҳасида шиша толалари, базальт арматуралар ишлаб чиқаришда физика фанининг қуйидаги боғланишлари мавжуд:

Шиша тола-бросиликат шишасини юқори ҳароратда эритиб, диаметри 0.0002-0.03 мм тешиктан тортиб чиқариб,ғалтакларга ўраб олинади.



Ишлаб чиқариш технологиясида марказдан қочма ва пуфлаш усулларидан фойдаланилади. Шиша толасидан тайёрланган буюмлар иссиқлик изоляцияси сифатида фойдаланилади. Физикадан оптик толали алоқа

тушунчаларини ўқитишда ўқувчиларга шиша толаларини ишлаб чиқариш технологияларини тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

3. Қишлоқ хўжалигининг асаларичилик соҳасида физика фанининг қуйидаги боғланишлари мавжуд:



Асалари хартумининг функцияси қуйидагилардан иборат:

суяқ шира озикни сўришда пастки жағлар ва пастки лаб мўйи тилчага ёпишади ва найча ҳосил қилади. Бу найча ичида тилча насос поршени каби тебранма ҳаракатланади ва натижада суяқлик юқорига, яъни хартумининг асосига етади. Кейинчалик озик халқумнинг сўриш ҳаракати билан ҳазм қилиш каналига ўтказилади.

Демак, физика фани ва унинг қонуниятларидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланилар экан..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шохин В.Н. Лопатин Л.Г. “Гравитационные методы обогащения” м. Недра 1993 г.
2. Н.Ф. Крахотин .”Узбекистонда асаларичилик” Тошкент 1991й.